# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 3 март, № 45 (4198) Шанба


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №





# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 март куни Оқсаройда Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хонимни қабул қилди.***

— Ўзбекистонда Миср Араб Республикасини ва унинг раҳбари Ҳусний Муборакни жуда яхши билишади, — деди Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб. — У нафақат араб олами ва мусулмон дунёси, балки бутун жаҳонда яхши танилган давлат арбобидир.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар ривожланиб бормоқда. Хусусан, парламентлараро алоқалар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ўзаро маслаҳатлашувлар фаоллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 1993 йилда пойтахтимизда фаолият бошлаган Миср Араб Республикаси элчихонаси Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин хорижий давлатларга илк ташрифларидан бири ҳам Миср Араб Республикасига бўлган эди. 1992 йилнинг декабрь ойида амалга оширилган ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлган эди. Мазкур ташриф чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида шартнома, сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битим, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка, ҳаво транспорти қатновига доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ҳозирги кунда йигирмадан зиёд икки томонлама ҳужжат амал қилмоқда.

Мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Масалан, сайёҳлик, тўқимачилик, фармацевтика, нефть кимёси, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамкорликнинг ҳозирги кўрсаткичлари имкониятлар даражасидан анча паст. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АҚШ долларини ташкил этгани, юртимизда Миср ишбилармонлари билан ташкил этилган атиги иккита қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда Миср эҳромлари ва қадимий обидаларига, Мисрда Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва муқаддас қадамжоларига қизиқиш катта. Сайёҳлик йўналишидаги ҳамкорликнинг муайян механизмлари ишлаб чиқилса, икки томон учун ҳам сайёҳлар сони анча ошган бўлур эди.

Ўзаро ҳамкорликни бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш борасида Фоиза Абуннажо хонимнинг юртимизга ташрифи давомида ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида маданият, илм-фан, таълим, санъат ва маънавият соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Бунда Миср элчихонаси ҳузуридаги Фан ва таълим марказининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Фоиза Абуннажо хоним 1975 йилдан буён дипломатия соҳасида фаолият кўрсатиб келади. Ўтган асрнинг 90-йилларида БМТ Бош котибининг махсус ёрдамчиси ва сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси вазифаларида ишлаган.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фоиза Абуннажо хоним Ислом Каримовга Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборакнинг мактубини топширди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

*Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.*

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Унда мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишларда, жумладан, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Миср ишбилармон доираларидан иборат делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди.

Ташриф якунида томонлар икки томонлама ҳужжатларга имзо чекдилар. Жумладан, "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Миср Сайёҳлик вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси билан Мисрнинг Технологиялар ва илмий тадқиқотлар академияси ўртасида ҳамкорликка оид дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан Миср Араб Республикасининг Анвар Саодат номидаги Бошқарув санъати академияси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Мисрнинг Миллий ёшлар кенгаши ўртасида эса англашув меморандумлари имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

*Ҳастимом мажмуасида савоб ишлар бошланди*

# ОНГИМИЗ ВА ҚАЛБИМИЗ ДАЪВАТИ БИЛАН

***Бугун жаҳон мусулмон оламининг диққат-эътибори Ўзбекистонга қаратилган. Буни фақат Тошкент шаҳри "Ислом маданиятининг пойтахти" деб эълон қилинганлиги билангина боғламаслик керак. Албатта, бундай жаҳоний эътироф эътиборга сазовор бўлгани ҳолда, хориждаги биродарларимизни мустақилликнинг ўтган қисқа даврида юртимизда муқаддас динимизга дахлдор тарихий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлаш, буюк мутафаккирлар, азиз-авлиёлар ва бошқа улуғ зотлар ётган жойларни ободонлаштириш, мамлакатда иймон-эътиқод ва диний бағрикенгликни қарор топтириш борасида эришилаётган натижалар ҳам ҳайратда қолдирмоқда. Бор ҳақиқат шуки, бу улуғ ва савобли ишларнинг бошида Ўзбекистон Президентининг ўзи турибди. Буни хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва дин арбоблари ҳам эътироф этишяпти.***

Халқимиз эса бу ишларнинг барчасида фаол иштирокчи ва жонли гувоҳ бўлиб турибди. Холисона айтадиган бўлсак, ўзбек давлатчилиги тарихида ислом маданиятининг гуллаб-яшнаши асосан икки даврга тўғри келади. Бири – Амир Темур даври, иккинчиси ҳозирги давр. Соҳибқирон бобомизнинг бу йўлдаги хизматларидан тарих далолат беради. Ул зотнинг ўзи бу дунёда неки иш қилган бўлсам, ҳаммасини дини ислом равнақи учун қилдим, деган. Агар мозийга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, ўшанда юртимиздаги мўғуллар истилосидан кейинги мураккаб бир даврни кўрамиз.

Ислом маданиятининг ҳозирги ривожи эса мустамлакачилик ҳамда коммунистик мафкура зулми ва зўравонлигидан кейинги даврга тўғри келади. Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда ислом маданияти ривожига қўшилган бекиёс ҳиссани сўз билан ифодалаш қийин.

Бугун биз Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий бобомиз мангу макон топган жойда яратилган мақбара мажмуаси халқимизнинг севимли зиёратгоҳига айланиб қолганини яхши биламиз. Президентимиз бундай савобли ишлардан нечтасига бош-қош бўлганидан ҳам яхши хабардормиз. Ҳозирги кунда юртимизнинг қайси вилоят, шаҳар ва қишлоғидаги муқаддас жойларда – зиёратгоҳларда бўлманг, аввало, атрофдаги кўркамлик ва саранжом-саришталикни, обод манзараларни, қолаверса, зиёратчиларга яратилган қулай шарт-шароитларни кўриб қувонасиз.



Эътиқод — қалб гавҳари. Уни авайлаб-асраган юртнинг келажаги албатта ёруғ бўлади. Ўзбекистон ва унинг халқи ўз келажагини, фарзандлари истиқболини ўйлагани учун ҳам мана шундай маънавий юксалиш йўлини танлади. Умуман, тарихсиз келажак бўлмаганидек, ўтмишни ўрганишда, бой маънавий меросни авайлаб-асрашда, миллий қадриятларни қадрлашда, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни англашда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Президент Ислом Каримов "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаганидек, "инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади".

Бухоро, Самарқанд, Хива, Марғилон, Қарши ва бошқа қадимий шаҳарларимиз каби Тошкент ҳам ана шундай табаррук заминлардан бири. Тошкентнинг тарихи ўзбек давлатчилиги тарихи, бу ердаги меъморий обидалар халқимизнинг маънавий мероси, юртимизда ислом маданиятининг юксалиши шаҳардаги муқаддас жойларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам бутун мамлакатимиз миқёсида диний ва маънавий меросга, тарихий обидалар ва қадамжоларга бўлаётган эътибор Тошкентни ҳам четлаб ўтмаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" қабул қилган қарори ана шу эътиборнинг давлат миқёсидаги яна бир амалий намоёнидир. Қарорда қайд этилганидек, бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Қарорга биноан, Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари жараёнида Усмон Қуръонининг сақланиши учун ҳам ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда бошланган кенг кўламдаги қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларни ҳам ўзи ичига олади.

Хўш, бу ишларни қандай асосда, қандай меъморий услублар ва ечимлар орқали бажариш керак? Юртбошимизнинг тавсиясига кўра бу масканда бунёд этиладиган янги иморат ва иншоотлар, аввало, Тошкентнинг қадимий меъморчилик санъатига монанд, тошкентлик қўли гул усталарнинг маҳоратларига хос, пойтахтимиз аҳлининг дидларига мос, бир сўз билан айтганда, Тошкентдек азим шаҳарнинг салоҳияти ва салобатига яраша бўлиши керак.

Савоб ишга қўл урганлар ана шуларни назарда тутиб ҳамда ўз олдиларида турган катта ва жиддий синов масъулиятини зиммаларига олиб иш бошлашди. Ишончимиз комил, оддий қурувчилардан тортиб инженер-техник ходимларгача, синчков лойиҳачилардан тортиб маҳоратли усталаргача сидқидилдан ва пок ният билан меҳнат қиладилар. Одатда, дин илмидан бехабар бўлсалар-да, савоб талаб, оққўнгил, қалблари тоза, эзгуликка интилувчан, ҳаётда тақводор ва покиза инсонлар ана шундай улуғ ишга ҳисса қўшганликлари билан бир умр фахрланиб юрадилар. Мажмуадаги кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ана шундай инсонлар учун ниятлари ижобат бўлиши йўлида яхши имконият очиб бериши билан ҳам эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда).

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг Сурхондарё вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

# ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, ушбу вилоят ҳокимлиги ҳамда тегишли ҳудудий бошқармаларнинг раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган йиғилишда Сурхондарё вилоятида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада вилоятда қатор дастурлар қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланган. Уларни ўз вақтида ҳаётга изчил татбиқ этиш таъминланмоқда.

Йиғилишда мактабгача ҳамда мактабдан ташқари таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ижросида қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, вилоят таълим тизими идора ва муассасаларида таълимга оид қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражаси қониқарсиз ҳолда. Бу ҳолат «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг тўлақонли бажарилиши билан боғлиқ жараёнга салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

# ОЗОД ЮРТНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

***Мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсат бугун ўз самарасини бермоқда. Истиқлол ғояларига содиқ, мард ва жасур, интеллектуал салоҳияти юксак авлод шаклланмоқда.***

Мустақил Ўзбекистонда Президент Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармони билан таъсис этилган биринчи орденнинг "Соғлом авлод учун" деб номланиши суверен мамлакатимизнинг эзгу мақсадини дунёга намоён қилган эди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчига айланди. Мамнуният билан қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида ана шу мақсад, ана шу муқаддас бурч изчил амалга оширилмоқда. Бугун ушбу орден кўплаб юртдошларимизнинг кўкрагини безаб турибди. Улар жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб, миллий тараққиётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган замондошларимиздир.



"Соғлом авлод учун" ордени билан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишида алоҳида хизмат кўрсатган юртдошларимиз тақдирланадилар. "Соғлом авлод учун" ордени билан бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин.

Президентимизнинг "Соғлом авлод деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди", деб айтган гапларининг нақадар ҳаётийлиги халқимиз эришаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Бугун мамлакатимизда оналар ва болалар учун етарлича шароит муҳайё қилинмоқда. Юртимизнинг қай бир гўшаси ё маҳалласига борманг, аввало, ёшлар учун бунёд этилган замонавий таълим масканлари, муҳташам спорт саройлари, соғлиқни сақлаш муассасаларига кўзингиз тушади.

Халқимизнинг соғлом авлодни вояга етказиш борасида эришаётган ютуқларини халқаро ҳамжамият ҳам тан олмоқда.

Соғлом авлод, соғлом фикр, соғлом турмуш тарзига эришиш билан боғлиқ бундай олижаноб мақсадлар "Соғлом авлод учун" ордени замирида мужассам.

**Ж. МЕЛИҚУЛОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

# СОЛИҚЧИ ВА ТАДБИРКОРЛАР МУЛОҚОТИ

*Солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар солиқ тўловчилар манфаатига хизмат қилмоқда. Айниқса, кичик корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш мақсадида кейинги йилларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширияпти.*

Солиқ тўлаш борасида қулайликлар яратилиши билан бир қаторда солиқ юкининг сезиларли даражада енгиллаштирилаётгани тадбиркорларнинг бор имкониятларини ишга солиб ишлашларига йўл очмоқда.

Мисол учун, бундан бир неча йил аввал даромад солиғи ставкаси юқори фоизни ташкил этган бўлса, у босқичма-босқич пасайтирилиб, ўтган йили 12 фоизгача туширилди. Жорий йилда эса у 10 фоиз этиб белгиланди. Бундай имконият

(Давоми 3-бетда).

# ОНГИМИЗ ВА ҚАЛБИМИЗ ДАЪВАТИ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, юртимизнинг бошқа тарихий шаҳарларида барпо этилган меъморий мажмуаларни қуришда қатнашган тажрибали усталар ҳам қараб туришмайди. Шубҳасиз, Имом Бухорий мажмуасини бунёд этишга ҳисса қўшган меъмор, лойиҳачи, моҳир уста ва қурувчиларнинг тажрибалари ҳам асқотади. Бундай савобталаб инсонлар бошқа тарихий шаҳарларимизда ҳам бор. Улар ҳам, табиийки, ўз ёрдамларини аяшмайди. Бироқ барибир Тошкентнинг қадимий меъморчилик санъати мактаби ўз изини қолдиргани маъқул. Бу мактаб қолдирган тажриба намунасини бугун пойтахтимиздаги кўплаб меъморий обидалар, жумладан, Кўкалдош мадрасаси мисолида кўриш мумкин. Ана шундан келиб чиқиб, Ҳастимом мажмуасидаги кўҳна архитектура ёдгорликларининг тарихини, уларнинг асл қиёфасини аниқлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини айнан шу асосда ташкил этиш зарур. Бунда давлатимиз раҳбари бу масала бўйича мутасаддилар олдига шундай ўринли талабни қўймоқда.

Хорижда ёки ўзимизда бўлсин, баъзи бировлар шу йўналишда амалга оширилаётган ишларни ҳамда шу пайтгача юртимизда ислом маданиятини юксалтириш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатларни Тошкент шаҳри "Ислом маданиятининг пойтахти" номини олганлиги билан боғлашлари мумкин. Аслида эса бундай ўзгаришлардан кўзланган мақсад бошқа. Президент Ислом Каримов "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида бунинг асл моҳиятини ифодалаб шундай деди: "Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин".



Бу фикр чуқур ўйга толдириш билан бирга, ҳар биримизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Биз ақл-идрок, оғир-вазминлик билан келажакни ўйлаб қадам босаяпмиз. Ҳамма гап мақсаднинг аниқлиги, иймон-эътиқодимизнинг мустаҳкамлиги, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда.

Келажакка умид қилиб, ишонч ва қатъиятлик билан олға қадам ташлар эканмиз, ўтган кунларимизни гоҳ-гоҳ эслаб туриш асло фойдадан холи бўлмайди. Шундагина бугуннинг қадрини биламиз. Ўтмишда юртимиз не-не босқинларни кўрмади. Халқимиз не-не зулм ва ёвузликлар азобини тортмади. Бироқ ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бизни танлаган йўлимиздан тойдира олмади, иймон-эътиқодимиздан айира олмади. Аксинча, оғир пайтларда бизга муқаддас динимиз, азиз-авлиёлару улуғ зотларимиз руҳи мададкор бўлди. Иншооллоҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Чунки ҳозирги кундаги саъй-ҳаракатларимиз танлаган йўлимиздан боришда бизга нурафшонлик бағишлаб турибди.

Президентимиз ўз интервьюсида эслатиб ўтганидек, бу борадаги ишларни изчил равишда давом эттириш учун ишлаб чиқилган амалий дастур асосида юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида узвийликни таъминлаш ҳамда ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида "Ислом ва бағрикенглик" мавзуида ўтказиладиган нуфузли халқаро илмий конференция маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлиши шубҳасиз.

Тўғриси, Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг, аввало, ислом дунёсининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Кўриб турганимиздек, Тошкент шаҳри "Ислом маданиятининг пойтахти" номини олганлиги муносабати билан хориждан келаётган табрикларнинг оқими тўхтамаяпти. Жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти Бош котибининг Ўзбекистон Президентига йўллаган табригида шундай дейилади: "Ушбу қувончли воқеанинг нишонланишига бағишланган тадбирлар дунё ҳамжамиятига ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишига ишончим комил".

Бугунги кунда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган қатор тадбирлар ана шундай кенг қамровли яқин ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уларни янги, юксак босқичга кўтариш имконини беради. Шак-шубҳасиз, бу ислом маданияти равнақига ҳамда дунёдаги барча соф ниятли инсонлар манфаатига хизмат қилади.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

---

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, янгиланишлар, маънавий-маърифий ўзгаришлар — барчаси, аввало, инсон учун, унинг манфаат ва эҳтиёжлари учун хизмат қилаётгани кундек равшан. Дарҳақиқат, инсонларга моддий ёрдам, маънавий мадад, яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, саховат, ҳожатбарорлик, ҳомийлик кўрсатиш халқимизга хос фазилат ҳисобланади. Ўзбекистон давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий тадбирларни ва бошқа долзарб вазифаларни амалга оширишда «Ислоҳот инсон учун» деган олижаноб тамойилга амал қилиб келинмоқда. Бинобарин, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт йўлимизнинг негизидаги машҳур беш тамойиллардан бири ижтимоий ҳимояга бағишланган.**



*Кўнгил баёни*

**Ортиқ ВАФОЕВ.**

# Элга сарфланг, қайтади!

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ҳомийликнинг мавқеи, мақоми, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий базаси яратилди. Дастур доирасида 280 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди, кўп фарзандли, ёрдамга муҳтож оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзанди бўлмиш 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиларига 16 миллиард сўмликдан зиёд кийим-кечак топширилди. 161 та болалар мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уларнинг 18 таси янгидан барпо этилган бўлса, 143 таси реконструкция қилинди.

Маънавият ва маърифат, эзгулик масканларидан бири бўлган маҳалланинг роли ошди, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти янада кенгайди. Уларнинг маҳалладаги маънавий муҳитни, маънавий мададни ошириш, оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини ошириш борасидаги ижобий ишлар кўзга кўриниб қолди. Кенг жамоатчиликнинг улар ҳақидаги ижобий фикрлари уйғонди. Маҳаллаларда кам таъминланган оилаларга, аълочи ўқувчиларга ҳамда контракт пулини тўлашга имконияти етишмай турган талабаларга ёрдам кўрсатиш борасида ибратли ишлар йўлга қўйилди.

Агар бу ишларнинг асосида шахсий намуна, ибрат, фаоллик кўрсатиш бўлмаса, унинг таъсирчанлигини баҳолаш қийин кечади.

Халқ ғамини ейиш, кўпроқ у ҳақда ўйлаш, қайғуриш, бировнинг дардини ўз дарди деб қабул қилишда ҳикмат бор. Бу ҳақда Навоий бобомиз шундай деганлар:

**Нафъинг агар халққа бешак дурур,**
**Билки, бу наф ўзингга кўпрак дурур.**

Яъники, ҳожатбарор инсон Навоий тасаввурида қўли қисқа одамни кўрганда уни хурсанд қилади. Бировнинг ярасига малҳам бўлади. Хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатган кишининг яхшилиги кўрсатган бандасидан қайтмаса ҳам, Худодан қайтиши муқаррар. Бу ишларни хайр-эҳсон, садақа бериш эмас, қалб амри, деб тушунади. Муқаддас китоб Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида «...Яхшилик қилинг, албатта, Оллоҳ яхшилик қилганларни севади», дейилса, ҳадиси шарифда «Менинг ризом йўлида бир-бирларини севганларга муҳаббатим собит бўлгай» дейилади. Ушбу ояти карима ва ҳадиси шарифдаги ҳикматлардан шундай хулоса чиқадики, инсонлар ўзаро меҳр-мурувватли, муҳаббатли ва садоқатли бўлсалар, бир-бирларини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турсалар, ундай инсонларни Оллоҳ ўз паноҳида асрайди. Яхши ният, меҳр-муҳаббат, ихлос, қалб поклиги, ният софлиги, эътиқод бутунлиги, иймон тозалиги ҳар қандай яхшиликни, бирон манфаатсиз, кўз-кўз қилмасдан, шуҳратни ўйламасдан бажариш, бунда фақат Яратганнинг ризосини олиш, ўз нафсига ва айтган сўзига ҳам ҳакам, ҳам ҳоким бўла олишлигида намоён бўлади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳалол меҳнат билан кун кечиришга алоҳида аҳамият берганлар. Бекорчи, боқиманда кимсаларни, ҳатто муридликка ҳам қабул қилмаганлар. Топган-тутганини кўчаларни тозалашга, ён-атрофни кўкаламзорлаштиришдек савобли ишларга сарфлаганлар. Шу фазилатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлганлар. Биз ана шунга ўхшаш муқаддас эзгу қадриятларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида бозор иқтисоди талаблари асосида ривожлантириш ишларига эътиборни қаратишимиз лозим бўлади.

Бугунги кунда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, инсоний фазилатларимизга асосланиб, бозор иқтисоди шароитидан келиб чиқиб, мамлакатимизда тадбиркорлик, фермерликка кенг йўл очиб берилди. Моддий ва маънавий мадад, ижтимоий ҳимоянинг турли воситалари ривожланиб бормоқда. Бу жараён осон кечаётгани йўқ. Айрим одамларнинг боқимандаликка асосланган одатларидан қутулиши мураккаб кечмоқда. Юртбошимиз бундай шароитда «бир гуруҳ аҳолининг ўта бой бўлиб, иккинчи гуруҳнинг ўта камбағаллашиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди», деган фикрлари биз учун дастуриламал ҳисобланади.

Яхшиликнинг мукофоти яхшилик. Яхшилик кўнгилларни поклайди, қалблардаги гина, адоват, ҳасад, кибр, риё, бағритошлик, такаббурлик, нафс каби иллатлардан тозалайди. Қалблар покланар экан, юрт яшнайди, маънавият гуллайди, иқтисодий ислоҳотлар тез ўз самарасини беради.

Президентимизнинг ҳукумат мажлисидаги маърузасида «Одамларда маблағ бор, лекин айни пайтда, уларда агар пулимни сарфлайдиган бўлсам, эртага ортимдан тушади, текшир-текшир бошланади, деган ҳадик ва қўрқув ҳам йўқ эмас», деган сўзлари Бухорода жамоатчилик ўртасида жуда маъқулланиб кутиб олинди. Учрашувларда, оддий мулоқотларда суҳбатдошларимга ана шу иқтибосни ўқиб бериб фикрларини сўрадим. Улар, аввало, Юртбошимиз халқнинг кайфиятини, ўй-фикрларини шунчалик аниқ билаётганлигини эътироф этишди. Шу билан бирга одамлар кўнглидаги хавотир Президент ғамхўрлиги туфайли йўқолишига ишонч билдириляпти. Дарҳақиқат, ким ўз жамғармасидаги сармояни эл-юрт ишига сарфласа, кўп ўтмасдан самараси икки-уч ҳисса қайтишига умид уйғонди.

Шу маънода қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури мустақилликни мустаҳкамлаш, инсонпарвар демократик фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан дадил ишонч билан бораётган юртимиз тарихида, халқимизнинг моддий ривожланиш, маънавий покланиш йили бўлиб қолишига ҳеч бир шубҳа йўқ.

**Муаллиф ҳақида:** *Ортиқ Вафоев Маънавият тарғибот марказининг Бухоро вилояти раҳбар ўринбосари лавозимида ишлайди. «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати» орденлари совриндори.*

---

# ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним иштирок этди.

* * *

Мисрлик меҳмонлар Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументини бориб кўрдилар. Темурийлар тарихи давлат музейидаги экспонатлар билан танишиб, Абул Қосим мадрасасини зиёрат қилдилар.

— Ўзбекистонга ташриф асносида юртингизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор берилаётганига гувоҳ бўлдик. Истиқлол ва порлоқ истиқбол, эзгу ниятлар рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳам бунинг ёркин ифодасидир, — деди Фоиза Абуннажо хоним. — Айниқса, мамлакатингизда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ўрганиш ва ҳавас қилишга арзийди. Шу билан бирга, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни қувонтирганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларига берилган муносиб баҳо, буюк аждодларингизга билдирилган юксак эҳтиром ифодасидир.

**(ЎзА).**

# ЯНГИ КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

***Пойтахтимизда кинематография, телерадиоэшиттиришлар, овоз ёзиш хизмати ва жиҳозларига бағишланган биринчи халқаро ихтисослашган кўргазма очилди.***

Тадбир "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда "Ўзбекфильм" киностудияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда миллий кинематографияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган кинематография соҳасидаги бошқаришни такомиллаштиришга оид фармони бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда телерадиоэшиттиришлар ҳамда овоз ёзиш хизмати сифатини яхшилаш, ушбу жараёнда энг замонавий техника воситаларини қўллаш борасида ҳам салмоқли ишларга қўл урилгани эътиборлидир.

Кўргазмада кино, телевидение соҳасида қўлланилаётган замонавий ускуна ва жиҳозлар, техника воситалари намойиш этилмоқда.



**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганининг 15 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.*

# ЎЗБЕКИСТОН-БМТ ҲАМКОРЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари йилдан-йил ривожланиб бормоқда. Ташкилот ва унинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ минбаридан илгари сурган глобал аҳамиятга молик кўплаб ташаббуслари бугун халқаро миқёсда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилишга оид ташаббус бунинг ёрқин далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон билан БМТнинг ҳамкорлиги ҳамда ушбу ташкилотнинг халқаро майдонда тутган ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

**(ЎзА).**

---

«Ташаббус-2007»

# Навбат — республика босқичига

**САМАРҚАНД** шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Президент соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида ғолиб чиққан 50 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналишида Ургут туманидаги «Яшил олтин» масъулияти чекланган жамият раиси Зайниддин Аҳроров, «Энг яхши ҳунарманд» номинациясида Самарқанд шаҳрилик наққош Ҳабиб Турдиалиев ғолиб чиқди. Каттақўрғон туманидаги «Эсон ота» фермер хўжалиги раиси Одил Носиров эса вилоятдаги «Энг яхши фермер», деб топилди.

Ғолибларга кўрик-танлов ташкилий қўмитаси томонидан дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**НАМАНГАН**да Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шаҳар ва барча туманларда ғолиб деб топилган тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар республика босқичига йўлланмани қўлга киритиш учун ўзаро беллашдилар.



Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, Косонсой туманидаги "Чашмаи Сафед" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев "Энг яхши фермер", Наманган туманидаги "Тиббиёт ва косметология" илмий-ишлаб чиқариш-даволаш маркази раҳбари Шаробиддин Эргашев "Энг яхши тадбиркор", тўрақўрғонлик Мавлуда Мўминова эса "Энг яхши ҳунарманд", деб топилди.

Танловда, шунингдек, "Энг кекса тадбиркор", "Энг яхши солиқ тўловчи", "Энг мурувватли тадбиркор", "Энг яхши маҳалла" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

***Одатда, байрамолди кунлари бозорда ҳам, дўконларда ҳам савдо қизигандан-қизийди. Байрам дастурхонини, айниқса, Янги йил базмини баъзилар спиртли ичимликларсиз тасаввур қилолмайди. Қулай вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни ўйлаган «Жиззахшаҳаршаробсавдо» базаси унитар корхонаси мутасаддилари жамоага келтирилаётган алкоголли ичимликларни қонунга хилоф равишда омборхонанинг ўзида нақд пулга сотишга киришдилар.***

# ҚОНУНБУЗАРЛИК ЙЎЛИГА ТЎСИҚ



Ўтган йилнинг 6 декабридан 14 декабригача шу зайл савдодан тушган 70 миллион сўмни назорат-касса машинасидан ўтказишмади. Устига устак, база омборхонасидан алкоголли маҳсулотлар сотиш учун махсус гувоҳномаси бўлмаган Дўстлик, Зафаробод, Фориш туманларидаги дўконларга кўп миқдорда маҳсулот чиқаришди.

Аслида мазкур база директори О. Муқимов ҳам, омбор мудири Э. Жалилов ҳам Республика Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан яхши хабардор. Қарорга асосан, алкоголь маҳсулотлари базанинг махсус савдо дўконлари орқалигина сотилиши кераклигини, чакана савдога етказиб берилган маҳсулот қийматининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдори олдиндан тўланиши лозимлигини билишади. Аммо улар қарор талабларига зид равишда иш юритишдан ўзларини тийишолмади.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан «Жиззахшаҳаршаробсавдо» базаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Жорий йилнинг январида вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда бир қатор тезкор тадбирлар уюштирди. Ойнинг дастлабки ярмидаги текширишлар чоғи қонунбузарлардан 6 миллион сўмликдан зиёд спирт, тамаки маҳсулотлари, шиша қопқоқлари, турли ёрлиқлар мусодара қилингани салбий ҳол нақадар илдиз отиб улгурганини кўрсатиб турибди.

Тезкор тадбир иштирокчиларининг бир гуруҳи 6 январь куни Жиззах шаҳридаги Азизбеков кўчасида жойлашган «Аббос-С» хусусий фирмасига қарашли дўконга киришганида, сотувчи Элёр Жўраев ҳеч қандай лицензияси бўлмаган спиртли ичимликларни сотаётгани устидан чиқишди. Ҳисоблаб кўришса, дўконда ҳали сотилмаган 450 шиша ёки 225 литр ичимлик бор экан. Шу куни дўкондан жами 1 миллион сўмлик маҳсулот олиб қўйилди.

### Қарор ва ижро

Дўстлик туманидаги «Жавоҳир ворис» хусусий фирмаси дўкони мудири Раҳбар Жуманмуродова ҳам анойилардан эмас экан. 10 январь куни ноқонуний тарзда келтирилган маҳсулотларни кўнгли тусаган нархда пуллаётган опанинг дўконидан 293 шиша ароқ мусодара қилинди.

Кенг қамровли тадбирлар натижасида вилоят ҳудудида қатнаётган, шу 18 Q 59-72 давлат белгили автобус кўздан кечирилганда, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида яшовчи Бунёд Шоймардонов 242 литр спиртни яширинча олиб кетаётгани маълум бўлди. 413,9 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олинди.

Тезкор текширувлар давомида гуруҳлар аъзолари эътиборни этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар вилоят ҳудудига қандай олиб келинаётганига, спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотиш манбаларини аниқлашга ҳам қаратдилар. Буни қарангки, қисқа фурсатда 30 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, қонунбузарлардан салкам 10 миллион сўмлик маҳсулот мусодара қилинди.

— Хулосалардан кўриниб турибдики, ихтисослаштирилган «Шаробсавдо» базалари фаолиятини яхши йўлга қўймай туриб, спиртли ичимликлар савдосини ҳududдан ўтадиган транспорт воситаларида ҳам қўлбола, ҳужжатсиз спиртли маҳсулотлар ташилаётгани аниқланди. Хусусан, «Тошкент — Қарши» йўналиши бўйича юрадиган «Мерседес-Бенц» русумли тартибга солиб бўлмайди. Шунинг учун базаларнинг чакана савдо корхоналари билан тузилган шартномалари ўрганиб чиқилиб, кўпгина ҳужжатлар янгиланди. Бир қатор базаларнинг фаолиятини тўхтатиш чоралари кўрилди, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурилла Умаров. — Маҳсулотнинг 50 фоизлик қийматини олдиндан тўламайдиган шохобчаларга алкоголли ичимликлар билан савдо қилиш имконияти қолдирилмади.

Албатта, бу ҳол алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун ҳам айни муддаодир. Қолаверса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш, сифатсиз, контрабанда йўли билан олиб келинаётган моллар сотилишининг олдини олишда, қўлбола усулда тайёрланган ичимликларни йўқ қилишда бу каби жиддий тадбирлар зарур. Шу йилнинг 1 январидан бошлаб алкоголли маҳсулотларни улгуржи савдо базаларида сотиш қатъий тақиқлангани ва аксинча, вилоятда йилнинг ҳар чорагида тасдиқланадиган ўртача ойлик алкоголли маҳсулотлар товар айланмаси ҳажмининг бажарилишини таъминламаган, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартнома шартларини бузган «Шаробсавдо» базалари фаолиятини тўхтатиш чоралари белгиланган қарор ижросини таъминлашга хизмат қилиши табиий.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**АҚШнинг Алабама штатидаги иккита шаҳарга довул бостириб келди.** Натижада 11 киши ҳалок бўлди, 50 дан ортиқ одам жароҳатланди. Айни пайтда табиий офат жойида қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Маҳаллий метеорологларнинг тахминларига кўра, бир неча кун давомида яна қирғоққа 50 тагача торнадо келиб урилиши мумкин.



**Астрахань вилояти ҳудудида янги аэрокосмик станция қурилиши мумкин.** Бу ҳақда РИА «Новости» «Роскосмос» раҳбари Анатолий Перминов берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Бироқ «Роскосмос»нинг матбуот котиби ушбу маълумотни рад этди. Ҳозирда Россия барча фазо кемаларини Қозоғистоннинг Бойқўнғир космодромидан учирмоқда. Бунинг учун ҳар йили расмий Остонага 150 миллион доллар миқдорида ижара ҳақи тўланади. Перминов космодром қаерда қурилиши ҳақидаги аниқ маълумотни бир неча ҳафтадан сўнг айта олишини билдирди.



**Покистонда «Толибон» ҳаракатининг етакчиларидан бири қўлга тушди.** Мулла Убайдулла Охун Кветта шаҳрида мамлакат хавфсизлик кучлари томонидан қамоққа олинган. У Афғонистонда толиблар ҳукумати пайтида мудофаа вазири лавозимида ишлаган. Америка махсус хизмати мамлакат конгрессини толиблар ҳаракати кундан-кун жонланиб бораётганидан огоҳлантирди.



**БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Германия Эронга нисбатан янги санкция лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.** Бу ҳақда АҚШ Давлат департаменти вакили Жонна Мур маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, олтита давлат вакиллари пайшанба куни кечқурун телефон орқали суҳбатлашганлар ва бу масалада якдилликка эришганлар. Расмий Теҳронга нисбатан қўшимча жазо чоралари қўллаш юзасидан халқаро ҳамжамиятнинг доимий аъзолари бугун ҳам муҳокамани давом эттиришади.



**Оқ уй Кавказ ҳудудига ҳам ракета ҳужумига қарши тизимни ўрнатишни режалаштирмоқда.** Бу ҳақда АҚШ Ракета зарбаларига қарши мудофаа агентлиги раҳбари генерал-лейтенант Генри Оберинг журналистларга маълум қилди. У мазкур тизимни ушбу минтақага ўрнатиш ҳаётий зарурат эмаслиги, бироқ бир кун келиб асқотиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ракета ҳужумига қарши ўрнатилаётган тизим Россияга хавф туғдирмайди.



**Эфиопия шимолида 10 нафар француз сайёҳи номаълум жангарилар томонидан гаровга олинган.** Улардан бир нафари қочиб қутилишга муваффақ бўлган ва маҳаллий ҳукуматни бундан огоҳлантирган. Мамлакат ҳукумати сайёҳлар кимлар томонидан олиб кетилгани ва улар нима талаб қилишаётганлиги тўғрисида ҳеч бир маълумотга эга эмаслигини расман маълум қилди.

**Беларусь Президенти Александр Лукашенко Европа Иттифоқи ва АҚШ билан муносабатларни илиқлаштиришга тайёр эканлигини билдирди.** Бу ҳақда у «Ал-Жазира» телеканали орқали чиқишида баёнот берди. А. Лукашенко ўз сўзида томонлар бир-бирига девор ортидан қарашни тўхтатишини, иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. У Европа учун энергетика таъминотида Беларуснинг имкониятлари катталигини ва ушбу давлатсиз Ғарб давлатлари хотиржам бўлмаслигини айтди.



**БМТ Бош котиби глобал иқлимнинг ўзгариши уруш сингари бутун инсониятга таҳдид туғдираётганини таъкидлади.** У ўз чиқишида бунинг олдини олмаслик яқин келажакда ўзаро урушлар ва ижтимоий зиддиятлар келтириб чиқариши мумкинлигини қайд этди. Пан Ги Мун халқаро ҳамжамият аъзоларига мурожаат қилиб, Ер сайёрасининг исишига қарши курашишда ҳамкорлик қилишга чақирди.



**Еврокомиссия «Microsoft» компаниясига қўлланилган жарима миқдорини кунига 5 миллион еврогача кўпайтирмоқчи.** Бу ҳақда ЕИнинг расмий вакили Жонатан Тодд маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, компания иттифоқ бозорида рақобат қонун-қоидаларини бузмоқда. Айни пайтда Билл Гейтс компанияси 2005 йил 16 декабрдан буён кунига 2 миллион евро жарима тўлаб келмоқда. Бугунгача «Microsoft» тўлаган жарима миқдори 1 миллиард еврога етди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## Иқтисодий ҳамкорлик уфқлари

*Рейнбўйидаги юртдан Фарғона вилоятига бу қадар катта гуруҳдан иборат ишбилармонлар, тадбиркорлар, менежерлар, бозор муносабатлари билан шуғулланувчи мутахассислар ташриф буюрганлигини кўпчилик эслай олмайди. Германия Федератив Республикасининг Иқтисодиёт ва технологиялар вазирлиги томонидан уюштирилган бу тижорат-танишув гуруҳи сафида Олмония Бундестаги депутатлари, ўттиздан зиёд йирик компаниялар, фирмалар, уюшмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари ҳам бор эди.*

# Германиялик ишбилармонларнинг қизиқиши катта

Нуфузли делегация шарафига Фарғона вилояти ҳокимлигида қабул маросими ўтказилди. Вилоят ҳокими А. Абдуллаев меҳмонларни самимий қутлаб, юртимизда, хусусан, вилоятда яратилаётган инвестицион имкониятлар, қулайликлар ва имтиёзлар ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг немис ишбилармонлари Марғилон шаҳридаги «Ёдгорлик» корхонаси, Тошлоқдаги «ДЭУ-текстайлд» корхонаси, Кувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, чет эллик сармоядорларга яратилаётган қулайликлар, бу корхоналарда улушдорлар билан ишлаш услублари хусусида кенг тушунча олдилар. Вилоят ўлкашунослик музейида эса воҳада тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг тарихи, унинг ривожланиш босқичларига оид экспонатлар билан танишдилар.

Сўнгра нафақат Фарғона, балки Наманган ва Андижон вилоятларидан таклиф этилган ишбилармонлар, тадбиркорлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари билан меҳмонлар иштирокида фикр алмашиш, имкониятлар билан танишув машварати бўлиб ўтди. Қисқа муддатли амалий учрашувда 21 та келишувга эришилди. Тез орада бу келишувлар якка-ма-якка мулоқотлар орқали фойдали шартномалар тузиш имконини бериши, шубҳасиз.

— Мен Ўзбекистон заминига ташриф буюрган кунларим Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлиси бўлганлигини, унда Президент И. Каримов хорижий инвесторларга янги имтиёз ва имкониятлар яратилаётганлиги ҳақидаги сўзларини эшитиб қолдим, — дейди Германиядаги мева ва сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган компаниянинг лойиҳа бўйича менежери Корнелиа Дрёссигер. — Айниқса, мамлакатингиз раҳбарининг маърузасидаги «Мамлакатимизда сифатли хомашёнинг бой ресурслари мавжудлигига қарамасдан, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни комплекс қайта ишлаш соҳасида ҳам қалашиб турган, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп» деган сўзлари ўз таклифларимизни қайта кўриб чиқишга ундади. Шу талабдан келиб чиқиб, Олтиариқ ва Бешариқ туманларидаги агрофирмалар билан қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш юзасидан келишиб олдик. Шу билан бирга, «Сайқал» фирмаси билан эшитиш ускуналарини йиғиш ва созлаш, «Антикар» фирмаси билан мойни қадоқлаш идишларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам келишувга эришдик.

«Ўзбекинвест» компаниясининг вилоят бўлими эса «COMMIT» консалтинг компанияси билан маслаҳат уйини очиш ҳақида битим тузди.

Буларнинг ҳаммаси яқин вақт ичида ўз самарасини беришига ишонамиз.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

# Саломатлик посбонлари

*Тансиҳатлик инсон учун энг катта бойликдир. Халқимиз орасида шифокорларнинг саломатлик посбонлари дейилиши ҳам шундан. Бу таъриф Оққўрғон тумани марказий шифохонаси ҳамшираси Севарахон Улуғхўжаевага жуда муносиб. Негаки шифохонанинг жарроҳлик бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаётган қиз ўз соҳасини мукаммал эгаллаш билан бир қаторда, жамоадошларию беморларнинг яқин кишисига айланиб улгурган.*

*— Хаста одам бошқалардан кўра кўпроқ эътиборга муҳтож бўлади, — дейди Севарахон. — Уларнинг соғ-саломат уйларига қайтаётганликларидаги қувончни кўриб шифокорлик касбини танлаганимдан фахрланиб кетаман.*



**СУРАТДА: Севарахон Улуғхўжаева.**
**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

# СОЛИҚЧИ ВА ТАДБИРКОРЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳозирги пайтда ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилишига замин яратмоқда.

Президентимиз солиқ идораларининг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир, деб таъкидлаган эдилар. Ҳозирги пайтда ушбу вазифа мазкур орган томонидан ҳаётга татбиқ этилаётгани тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини тўғри ташкил этишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли идоралар ҳамкорлигида биз, тадбиркорлар билан тез-тез мулоқотлар, учрашув ва анжуманлар ўтказилаётгани ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишига хизмат қиляпти.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Темирйўлчилар" саройида Миробод, Яккасарой ва Сергели туманларида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида ана шундай очиқ мулоқотлардан бири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев бошқарган тадбирда ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банк ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари билан ўзимизни қизиқтираётган мавзуда очиқ-ошкора фикрлашдик.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тадбиркорларга ҳар томонлама шароит яратиш борасида доимо жон куйдириб гапирадилар. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига, уларнинг ўз ҳалол меҳнати, пешона тери билан топадиган даромади ва бойлигига ёндашишда эски замондан қолган иллат ва асоратлардан бутунлай воз кечиш зарурлигини айтиб, уларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш жамиятимизда тобора чуқур қарор топсин деб таъкидлаганди. Бу бизга катта руҳ бағишлади. Унинг амалдаги ифодаси ишимиз ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир тадбиркор шунга жавобан зиммасидаги бурчни тўла англаб фаолият юритиши лозим.

**Рустам ЗОҲИРОВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Silver Silk Company» масъулияти чекланган жамият раҳбари.**


## ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси: ассистент.
- Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси: ассистент.
- Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Умумий кимё кафедраси: катта ўқитувчи.
- Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси: доцент.
- Силикат материаллар технологияси: ассистент.
- Аналитик кимё ва нодир металлар технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Саноат экологияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Технологик жараёнлар ва қурилмалар кафедраси: ассистент.
- Ёғ, мой ва дон маҳсулотлари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Биотехнология кафедраси: доцент, ассистент.
- Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси: ассистент.
- Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Саноат менежменти кафедраси: катта ўқитувчи.
- Саноат маркетинги кафедраси: ассистент.
- Касбий таълим кафедраси: ассистент.
- Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси: катта ўқитувчи.
- Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.
- Олий математика кафедраси: доцент.
- Физика ва электротехника кафедраси: катта ўқитувчи.
- Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси: катта ўқитувчи.



*Юқорида кўрсатилган лавозимларга ҳужжатлар номзодлардан танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан қабул қилинади.*

2538/326

Манзил: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 144-79-31.



Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


*Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, давлат концернлари, республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат корхона, ташкилот, муассаса, корпорациялар, банклар ва қўшма корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

маъмурияти 2006-2007 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни буюртмалар асосида иш жойларига тақсим қилишни давом эттираётганлигини маълум қилади ва ҳамкорликда ишлашга чорлайди.

**Шу муносабат билан сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот, корхона, муассасанинг институтни 2007 йилда битирувчи бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёжларини 2007 йил 15 апрелгача қуйидаги манзилга: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,13-уй, тел.: (3712) 142-80-00 факс ёки e-mail: tasi_info@edu.uz, битирувчига қўйиладиган талаблар ва бериладиган имтиёзларни, мулоқот учун маълумотларингизни кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз.**

**2007 йил битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот** *(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)*

| № | Таълим йўналишлари | 2006-2007 ўқув йили битирувчилари | | | Тошкент ш. | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вил. | | Бухоро вил. | | Жиззах вил. | | Қашқадарё вил. | | Наманган вил. | | Навоий вил. | | Сирдарё вил. | | Самарқанд вил. | | Сурхондарё вил. | | Тошкент вил. | | Фарғона вил. | | Хоразм вил. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш |
| 1. | Архитектура | 34 | 20 | 14 | 11 | 8 | 1 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | | 2 | | 1 | 1 | | | | 3 | 3 | 1 | | | |
| 2. | Дизайн | 38 | 10 | 28 | 7 | 26 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 2 | 2 | | | | |
| 3. | Иқтисодиёт (қурилиш) | 47 | 21 | 26 | 14 | 13 | | 1 | | | | 2 | | | | 3 | | | | | 2 | | 1 | | | 2 | 4 | 5 | | | | |
| 4. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 49 | 20 | 29 | 12 | 15 | | | | | 1 | | | | 2 | 4 | 1 | 2 | | | | | | 2 | 1 | 1 | 1 | 4 | 1 | | 1 | 1 |
| 5. | Геодезия, картография ва кадастр | 10 | 3 | 7 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 3 | | | | |
| 6. | Бинолар ва иншоотлар қурилиши | 40 | 24 | 16 | 9 | 8 | 2 | 1 | | | 3 | | | 1 | 5 | 1 | | | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | 2 | 3 | | | 1 | |
| 7. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | 21 | 14 | 7 | 11 | 3 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 2 | 3 | | | | |
| 8. | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 22 | 13 | 9 | 11 | 6 | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 9. | Қурилиш материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияси | 21 | 13 | 8 | 10 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | 1 | | |
| 10. | Касб таълими (таълим йўналишлари бўйича) | 36 | 23 | 13 | 10 | 4 | 1 | | | | | | 2 | | 3 | 2 | | | 3 | | | | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 4 | | | | |
| 11. | Гидротехника қурилиши | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Жами** | **319** | **162** | **157** | **98** | **92** | **4** | **3** | **1** | **0** | **5** | **2** | **2** | **1** | **13** | **11** | **1** | **2** | **4** | **4** | **3** | **1** | **7** | **4** | **2** | **6** | **18** | **29** | **2** | **1** | **2** | **1** |

**2007 йил битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот** *(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)*

| № | Таълим йўналишлари | Жами | Г | Ш | Тошкент ш. Г | Тошкент ш. Ш | Қорақалпоғистон Г | Қорақалпоғистон Ш | Андижон Г | Андижон Ш | Бухоро Г | Бухоро Ш | Жиззах Г | Жиззах Ш | Қашқадарё Г | Қашқадарё Ш | Наманган Г | Наманган Ш | Навоий Г | Навоий Ш | Сирдарё Г | Сирдарё Ш | Самарқанд Г | Самарқанд Ш | Сурхондарё Г | Сурхондарё Ш | Тошкент вил. Г | Тошкент вил. Ш | Фарғона Г | Фарғона Ш | Хоразм Г | Хоразм Ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бино ва иншоотлар архитектураси | 5 | 1 | 4 | | 3 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 2. | Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш | 1 | 1 | 0 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Реклама ва амалий графика | 10 | 2 | 8 | 2 | 7 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Тармоқлар иқтисодиёти (қурилиш) | 12 | 2 | 10 | 1 | 7 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | |
| 5. | Тармоқлар иқтисодиёти (шаҳар қурилиши ва хўжалиги) | 3 | 0 | 3 | | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 9 | 2 | 7 | 1 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | |
| 7. | Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар | 9 | 2 | 7 | 1 | 5 | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | |
| 8. | Бино ва иншоотларни қайта қуриш ва таъмирлаш | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 9. | Гидротехник иншоотлар | 3 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 10. | Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 11. | Газ-нефть сақлаш омборлари ва қувурлари қурилиши | 5 | 2 | 3 | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | |
| 12. | Иситиш, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш | 3 | 2 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 13. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 3 | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 14. | Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш | 7 | 2 | 5 | 1 | 4 | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 15. | Амалий геодезия | 4 | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | |
| 16. | Саноат ва хўжалик қурилишини ташкил этиш ва унинг технологияси | 3 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 |
| 17. | Ландшафтлар архитектураси | 4 | 2 | 2 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 |
| | **Жами** | **87** | **27** | **60** | **17** | **39** | **0** | **2** | **0** | **0** | **1** | **2** | **1** | **0** | **2** | **1** | **0** | **0** | **0** | **1** | **0** | **0** | **1** | **1** | **0** | **1** | **4** | **11** | **0** | **0** | **1** | **2** |

